



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 3 ноябрь ● сешанба ● № 46-47 (663-664) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

## Учрашув

# Ҳамкорлик кучаймоқда

**КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ Ҳуқумат қонунчилиги вазири бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистон Республикасига ташрифига доир**



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 28 октябрдан 1 ноябрга қадар Корея Республикасининг Ҳуқумат қонунчилиги вазири Ли Сок Ён бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикасига бўлди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири билан Корея Республикаси Ҳуқумат қонунчилиги вазири ўртасидаги ҳамкорлик, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув чоғида корей делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.Муҳитдинов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Д.Тошмухамедова билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва ҳамкорлик юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Меҳмонлар, шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд сингари қадимий шаҳарларда бўлиб, тарихий обидаларимиз ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан танишдилар.

**Адлия вазири  
Ахборот хизмати**

*Суратда: Корея Республикаси делегацияси аъзолари.*

## Мусаввир куз



*Боғларда куз кезади —  
титроқ,  
Елкасида кўчи-кўрони.  
Илдизидан узилган япроқ  
Титроғида кўрдим дунёни.*

*Ҳаволарда тортинар —  
мезон —  
Хотири бизни қилади адо.  
Бошимизда айланган ҳазон —  
Юрагимдан тўкилган вудо.*

*Куз оқшони...  
Нима ҳам дейиш...  
Ана боғлар эзгин-эзгин сўз!  
Кўзларингга термулган сайин,  
Кўз ўнгимда гуллайпти куз.*

## Анжуман

# Қонун ижодкорлиги:

**ИСТИҚБОЛ ВА УСТУВОР Йўналишлар**

ҚОНУН ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш Адлия вазирилик зиммасидаги муҳим вазифалардан бири саналади.

ШУНДАН келиб чиққан ҳолда вазирилик давлат бошқаруви органларининг қонунчилик ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарликни амалга оширади. Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказишни уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан хулосалар беради.

Адлия вазириликда ўтказилган конференция "Ҳуқуқ ижодкорлигининг долзарб муаммолари" мавзусига бағишланди. Анжумани Адлия вазири ўринбосари Есемурат Каньязов бошқариб борди. Унда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд,



бир гуруҳ тарғиботчи ёрликлари билан тақдирландилар. Шунингдек, институтнинг Конституциявий ҳуқуқ кафедраси жамоасининг ибратли фаолияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

2010 йилдан бошлаб ушбу йўналишдаги тарғибот гуруҳлари барча вилоят адлия бошқармаларида ҳам тузилгани режалаштирилган.

**Дилфуза ЭРҒАШЕВА, «Инсон ва қонун» муҳбири**

## Тенгдошлар сабоғи

УЛУҒБЕК ХУСАИНОВ 24 ёшда. У Тошкент Давлат юридик институтининг энг ёш ўқитувчиларидан. Ёшлиғидан ҳуқуқ фанига жуда қизиққан Улуғбек ҳуқуқий фанларни яхшигина ўзлаштириди. Иқтидорли мутахассис 2009 йил апрель ойида Адлия вазирилик ташаббуси билан ташкил этилган ҳуқуқий тарғибот гуруҳида фаолият юритиб, юртимиз ёшларининг ҳуқуқий тафаккурини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Республикамизнинг 27 та туманида ўтказилган ҳуқуқий тарғибот учрашувларининг олиб борилишида айнан ёшларнинг жалб этилиши бежиз эмас. Тажрибали устозлар қаторида ёшлар қалбига ёшлар тезроқ йўл топа олиши,

улар шахсий фикрини баён этишда тенгдошлари билан тез мулоқотга киришишлари назарда тутилди, 20 мингдан ортиқ ёшларни қамраб олган ушбу тадбирларда ёш мутахассислар ҳам чиқишлар қилишти. Тарғибот тадбирларида ноанъанавий усуллардан фойдаланилди.

Тадбирлар давомида ҳуқуқий адабиётлар, буклетларнинг тақдим этилиши ҳам ижобий самара бермоқда.

Адлия вазириликнинг буйруғига асосан Тошкент Давлат юридик институтида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қўшган ҳиссалари учун



## Тарғибот

бир гуруҳ тарғиботчи ёрликлари билан тақдирландилар. Шунингдек, институтнинг Конституциявий ҳуқуқ кафедраси жамоасининг ибратли фаолияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Дилфуза ЭРҒАШЕВА, «Инсон ва қонун» муҳбири**

## Терминал ўрнатилишини сўраган эди

**Фуқаронинг бу муурожаати пайсалга солинганди. Адлия аралашгач, муаммо ҳал этилди**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** адлия бошқармаси томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қатъий эътибор қаратилмоқда.

БОШҚАРМАНИНГ "Ишонч телефони" орқали корхоналар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиб, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаётган ҳолатлар аниқланиб, бартараф этиш бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда. Шунингдек, бошқармага фуқароларимиздан келиб тушаётган барча турдаги муурожаатлар белгиланган муддатда ўрганилиб, қонуний ҳал этилади.

Адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га тадбиркор Ф.Маҳманисаева

"Ўзсаноатқурилишбанкни" Чирчиқ филиали томонидан терминал ўрнатилмаётганидан норози бўлиб, муурожаат қилди.

Урганиш давомида 2009 йилнинг февраль ойида Ф.Маҳманисаеванинг "Ўзсаноатқурилишбанкни" Чирчиқ филиалига терминал ўрнати беришини сўраб ёзган аризаси Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талабларига зид равишда филиалга расмий равишда кирим қилинмаётганилиги аниқланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизими

мини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан тўловларни пластик картчалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар 2005 йил 1 июлгача ўрнатилиши белгиланган бўлишига қарамай, "Ўзсаноатқурилишбанкни" Чирчиқ филиали томонидан бу талаб бажарилмаган ва тадбиркор тўловларни пластик картчалар билан қабул қилиш терминали билан таъминланмаган.

Текшириш давомида "Ўзсаноатқурилишбанкни" Чирчиқ филиали ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларга амалий ёрдам бериш, уларга керакли шарт-шароитлар яратиш ўрнига тадбиркорлар сарсон бўлишига йўл қўйилганлиги каби бир қатор камчиликлар ҳам аниқланди.

Жумладан, Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган 31 та тадбиркорлик субъектини терминал билан таъминлаш тўғрисидаги аризалари кирим қилинмай, асосан равишда банк

филиалида сақланаётганлиги аниқланди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан "Ўзсаноатқурилишбанкни" Тошкент филиалига тақдимнома киритилди. Тақдимнома ижроси бўйича яқка тартибдаги тадбиркор Ф.Маҳманисаевага терминал ўрнатиб берилди ва банк филиали ходими интизомий жавобгарликка тортилди. Банк ходими А.Шамшетовни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судига юборилди. Суднинг 2009 йил 8 июлдаги қарори билан тегишли жавобгарликка тортилди.

**Сардор КАРИМОВ, Тождидин УТЕНБЕРГЕНОВ, Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходимлари**

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ВА ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

# Жиноят иши қўзғатилди

СИРДАРЁ ТУМАНИ "Соҳил" СФУда яшовчи фуқаро Т.Нормуродовнинг "Товжон" фермер хўжалиги раиси М.Равшановнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган шикоят юзасидан **Сирдарё тумани прокурори Т.РАЖАБОВ шундай жавоб беради:**

— СВОЖДЛҚК бўлими томонидан терговолди текширув ҳаракатлари олиб борилди.

"Соҳил" СФУда фаолият олиб бораётган "Товжон" фермер хўжалиги раҳбари М.Равшановнинг ердан хўжасизларча ва бошқа мақсадларда фойдаланиб, фермер хўжалигининг пахта майдонларида ўз вақтида агротехник тадбирларни амалга оширмасдан, ёнилғи-мойлаш материалларини бошқа мақсадлар учун ишлаб юборганлиги ҳолати бўйича унга нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва бу ҳақда ариза муаллифига жавоб хати юборилди.

# Алимент тўлиқ ундирилди

ФУҚАРО М.Раҳматовнинг суд қарори ижроси таъминланмаётганлиги юзасидан ёзган аризаси бўйича қуйидагилар маълум қилинади.

Аникланишича, қарздор З.Равшановдан М.Раҳматовга фойдасига уч нафар фарзанди таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туманлараро судининг 2003 йил 26 декабрдаги ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Пастдарғом тумани бўлими иш юритувига 2004 йил 12 январда келиб тушган ва алимент пуллари қарздорнинг иш ҳақидан ундириб келинган.

Аризани ўрганиш жараёнида суд ижрочилари томонидан кўрилган чоралар натижасида 2009 йил 9 ва 10 сентябрда қарздордан жорий йилнинг август ойига қадар алимент пуллари тўлиқ ундирилиб, алоқа бўлими орқали ундирувчига юборилган.

**З.ТЎХТАБОВЕВ, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти бошқарма бошлиғи**

## Ўғригина жиян

тоғасининг 14 миллион 500 сўмлик маблағини ўмарди

## Тўй нега азага айланди?



## Қотил киракаш

У нафе йўлида икки бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлди



## Адлия ёрдам берди









Репродуктив саломатлик

# Оналар саломатлиги

## алоҳида эътибор ва ғамхўрлик талаб этади

**БЕБАҲО** меросларимиздан бири бўлган миллий маданиятимиз энг юксак инсонийлик тамойиллари ва олий эзгу мақсадлари билан дунё ҳамжамиятини лол қолдирган, десак муболага бўлмас. Зеро, ҳар бир ўзбек оиласида инсон камолоти, турмуш фаровонлиги, тинчлик-осойишталиги, бир сўз билан айтганда, ҳаёт раванқи халқимизгагина хос бўлган миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз асосида қарор топади. Хусусан, аёлларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, уларга мушфиқ она, оила фариштаси, соғлом насл ва келажақ авлодни тарбиялаб ўстирувчи муҳтарам зот сифатида қаралади.



ЭНДИГИНА дунёга келган гўдакка атаб чилла сақлаш, бешикка белаш, суг тиши каби тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳам она ва боланинг соғлигини ҳимоя қилишдан иборатдир. Замонавий тиббийёт мутахассислари томонидан аждодларимиз қўлаган бу каби муложа ва анъаналар инсон саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришган, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари, миллий маданияти давлатимизнинг устувор сиёсий йўналишларида ўз аксини топди, бу борада ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 1 июль куни қабул қилган **“2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг камолга етказиш борасидаги ишлари янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”**ги

Қарори келажақ авлоднинг ёрқин истиқболи йўлидаги эътибор ва ғамхўрлик нечоғлик юксак аҳамиятга эга эканлигидан яна бир далолатдир.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг **“Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори соғлом оилани шакллантириш, ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олиш ва она-бола ўртасидаги ўлим ҳолатларини бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантқий давоми бўлиб, бу борада кенг қамровли фаолиятимизда янада кўпроқ бурч ва масъулият талаб этилади.

Шу ўринда тиббий маданиятга алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз топдик. Юқорида айтиб ўтганимиздек, тиббий маданият кундалик ҳаётимизга кеча ёки бугун кириб келган тушунча эмас. Афсус-

ки, орамизда тиббий маданиятимизга ҳам, ҳуқуқий маданиятга ҳам амал қилмаётган, ўзининг ва ўзганинг ҳаётига завоқ бўлаётган кимсалар учраб турибди.

...Учинчи қиз фарзанди дунёга келгач, Гулнозага врачлар соғлигини тиклаб олиш учун туғруқ оралигидаги муддатга амал қилиш шартлигини таъкидлади. Лекин ўғил неваря орзусидаги қайнонасининг даққиларидан безган келин тўртинчи фарзандини дунёга келтириш арафасида ҳаётдан кўз юмди. Уринсиз ҳою-ҳавас сабаб уч нафар гўдак она меҳридан бир умрга жудо бўлди. Бу каби нохуш воқеаларнинг олдини олиш мақсадида туман ФХД бўлими ходимлари барча маҳалаларда, ўқув юртрада ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. ФХД бўлими қошида **“Оналар мактаби”**, **“Она-бола дорилфунуни”**, **“Мутахассис маслаҳати”** ҳафталиги ташкил этилган бўлиб, тиббийёт мутахассислари ўз иш режасига кўра, қайнона ва келинлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб туради.

Унутмайликки, оила бахти ва она-бола саломатлиги сизу бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлмоғи лозим.

**Юлдуз РОҲАТОВА,**  
Тошкент тумани  
ФХД бўлими муддиси

Мулоқот

# Глобал муаммо қаршисида

## Бир қатор давлатларнинг инқирозга қарши чоралар дастурлари

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ** интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг ижобий томонлари билан бир қаторда мураккаб жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, дунёнинг бир мамлакатидея рўй берётган ижтимоий-иқтисодий ларзалар муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантираётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳам глобаллашув жараёнларининг оқибати сифатида намоён бўлаётган. Албатта, кўплаб давлатлар молиявий-иқтисодий инқирозга қарши ўз ҳаракат дастурлари асосида бу мураккаб вазиятни юмшатиш чораларини кўймоқда.

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА “Жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг инқирозга қарши дастурлари”** мавзуида ўтказилган мулоқотда дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг бу глобал муаммонинг таъсирини юмшатиш борасида олиб бораётган чора-тадбирларини белгилувчи ҳаракат дастурлари хусусида сўз борди. Унда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат

институту профессори, иқтисод фаюлари доктори Баҳоидр Ҳасанов шу мавзу юзасидан таҳлилий мулоҳазалар юритди.

Мутахассис олим дунёнинг бир қатор мамлакатларида амалиётга жорий этилаётган инқирозга қарши чоралар дастурларининг асосий белгилари, мазкур дастурларни самарали шакллантириш ва амалга оширишда намоён бўлаёт-

ган ҳолатлар ҳақида мисоллар ердимида сузлаб берди. Шунингдек, бир қатор давлатларда инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари, 2008 йилда дунё мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфлаган молиявий харажатларини атрофлича таҳлил қилди.

Профессор Б.Ҳасанов мустақил мамлакатимизда шаклланган барқарор ва самарали иқтисодийнинг ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси изчил таъминланаётганлигини, яъни ички маҳсулот мунтазам ўсиб бораётганлигини алоҳида қайд этди.

**Лолаҳон КАРИМОВА,**  
Адлия вазирлиги  
масъул ходими

Адолат устуворлиги

# Мустаҳкам қалқон

## сингари қонунлар фуқароларни ҳимоя қилмоқда

**ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ,** мамлакатни ислоҳ қилиш, бозор иқтисодиёти модернизациялашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар моҳиятида инсон ва жамият тараққиёти халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар мужассам.

А Й Н А Н мустақиллик шарофати билан инсон шайни, кадр қиммати, манфаатлари ҳамма нарсадан устуңлиги қонун билан қатъий белгилаб қўйилди. Айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатлаш ва таъминлаш жамиятимизнинг энг устувор тамойилига айланди. Буни биз ўтган йилларда эътибор билан давом эттирилган, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган тўб ислохотларнинг муҳим йўналиши — суд-ҳуқуқ ислохотларидан ҳам билишимиз мумкин.

Бўлар, шубҳасиз, Юртбошимиз Фармони ва ташаббуси билан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, адвокатура институтининг тако-

миллаштирилиши, жиноий жазоларни либераллаштириш тенденциясининг давом эттирилишидек институционал ислохотлардир.

Суд-ҳуқуқ ислохотларини янги босқичга олиб чиқишда муносиб аҳамиятга эга бўлган ўлим жазосининг бекор қилинишидек тарихий, оламшумул воқеа халқимизнинг азалий қадриятларидан бўлган инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг яна бир намоёиши бўлди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши фуқароларнинг ҳаёти нечоғлик азиз, инсон деб аталмиш зот қанчалик муқаррам эканлигини янада чуқурроқ англатди. Инсоннинг яшаш ҳуқуқини қафолатлаш, жамиятда умумбашарий ва улуг қадриятларнинг устуворлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти бекиёс. Ушбу қадам жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдек улуг таъминлашга содиқлигимизнинг амалдаги исботи бўлди.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд тизимининг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан бир қаторда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш борасида улкан силжиш бўлди. Биринчидан, айнан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ҳеч ким суд қарорисиз муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги, жазога тортилмаслиги принципи қонунан мустаҳкамланди. Иккинчидан, ушбу ўзгариш айбланувчининг ҳимоялаши ҳуқуқини кенгайтирди, судда муҳокама ва тортишув тамойилини вужудга келтирди. Қамоққа олишга оид суд мажлисида адвокатнинг иштироки таъминланди, айбланувчининг фикри тингланишига имкон яратилди. Учунчидан, эндиликда қамоққа олишга санкция бериш заруратини белгиланган тартибда асослан-тириш талаб этила бош-

ланди. Энг муҳими, ушбу ўзгариш асосида қамоққа олишга санкция бериш жараёни янада демократлаштирилди.

Адвокатура фуқаролик жамиятининг муҳим институтига айланиши, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қалқони вазифасини бажаришига оид ҳуқуқий мезонлар яратилди. Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони асосан малакали ҳуқуқий хизмат қилишга қодир, адвокатлик лицензиясига эга бўлган шахсларни бирлаштирадиган ягона тизим — Адвокатлар палатаси ташкил этилди.

Энг асосийси, адолат устуворлигини таъминлаш, ҳимоя ҳуқуқини мустаҳкамлаш, адвокатуранинг суд-ҳуқуқ тизимидеги аҳамиятини янада ошириш борасида салмоқли қадам ташланди.

**Маҳмуд ХОДЖАЕВ,**  
Тошкент шаҳар адлия  
бошқармаси  
масъул ходими

# ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ТИЖОРАТ “ТУРОНБАНК”

**СИЗГА ҲИСОБРАҚАМНИ  
МАСОФАДАН  
БОШҚАРИШНИНГ ЭНГ  
ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛИ “SMS BANKING” ВА  
“INTERNET BANKING”  
ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ  
ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Ушбу хизмат турлари Сизнинг вақтингизни тежаб, ҳисоб рақамингиздаги барча ҳаракатлар ҳақида онлайн тарзда хабардор бўлишингизга имконият яратади.

**“ТУРОНБАНК”  
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ  
“СУМ” ПЛАСТИК  
КАРТАЛАРИНИ ҲАМДА  
ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ  
“VISA” ПЛАСТИК  
КАРТАЛАРИНИНГ 4 ТУРИНИ  
ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

- 1. Visa Electron
- 2. Visa Classic
- 3. Visa Business
- 4. Visa Gold

**“VISA” ПЛАСТИК  
КАРТАЛАРИ – БУ  
ХАЛҚАРО УНИВЕРСАЛ  
ТҮЛОВ ВОСИТАСИ**



Маълумот учун телефонлар: (+99897) 700 55 55 ва 723 55 55  
www.turonbank.uz

Рейтингово агентство "Ahor-Reyting"  
Участник Ассоциации Рейтингово Агентство Азии  
АХРАТ  
Открытый Акционерный Коммерческий банк  
"Агробанк"  
присвоен кредитный рейтинг по национальной шкале  
**uzA+**  
ВЫСОКИЙ  
Дата присвоения рейтинга: Октябрь, 2008г.  
Генеральное директорство  
РА "Агробанк"  
Подпись рейтинга присвоена в соответствии с требованиями стандарта

**«Ahor-Reyting» рейтинг агентлиги «Агробанк» очик акициядорлик тижорат банкининг кредит рейтингини 2008 йил якунлари мониторинги натижаларига кўра «Барқарор» прогнози билан «uzA+» миллий шкаласи бўйича янгилади.**

Ушбу рейтинг «Агробанк» ОАТБнинг, брендининг бошқалар тарафидан танилиши ҳамда банкнинг бозордаги кучли позициялари, активларнинг юқори даражали сифати, ликвидликнинг барқарор позицияси ва мутаносиб равишдаги капиталлашуви, шунингдек фаолиятнинг яхши молиявий натижаларига эга эканлигини акс эттиради.

Бундан ташқари, рейтинг активларнинг тез ўсиши ҳамда ушбу жараён билан боғлиқ бўлган таваккалчиликлар, банк бизнесининг тармоқлар ва миждозлар бўйича катта даражадаги тўплануви, ўсишнинг стратегияси ҳамда янги активларнинг эҳтимолли сотиб олиниши билан боғлиқ бўлган лаёқатли таваккалчиликларни ҳам ҳисобга олади.



# Хурматли юртдошлар!

“Асака” банки (ОАЖ) қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

## Миллий валютадаги омонатлар

### 1. “ЗИЁЛИ”

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 30%дан 34% гача ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

### 2. “МАНФААТЛИ”

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади.

### 3. “ИШОНЧЛИ”

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27% ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

### 4. “СТУДЕНТЛАР УЧУН”

Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 32%дан 38%гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

### 5. “САМАРАЛИ”

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 32% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар коммунал ва бошқа тўловлар учун йўналтирилади.



## Хорижий валютадаги омонатлар

### 1. “ОПТИМА” АҚШ ДОЛЛАРИДА

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 12% ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: “Асака” банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:

120-39-81,  
120-39-60,  
120-39-63

“Асака” банки (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

	Филиаллар	коди рақами	телефон
1.	Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2.	Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3.	Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
4.	Юнусобод филиали	371	225-16-46
5.	Сирғали филиали	371	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8.	Асака филиали	374	233-13-69
9.	Фарҳод филиали	374	229-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11.	Марғилон филиали	373	237-12-37
12.	Олтариқ филиали	373	432-10-11
13.	Кўқон филиали	373	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	436	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18.	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20.	Афросиёб филиали	366	234-17-96
21.	Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

■ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

■ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

■ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

■ миқдори чекланмаган!

